

УЎТ: 628.83

## АВАНКАМЕРА ВА СУВ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БҮЛИНМАЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК ҚАРШИЛИКЛАРИ

**М. Мамажонов – т.ф.д., профессор, Б.М. Шакиров – т.ф.н., доцент**

**Андижон қишлоқ хўжалик институти**

**Б.Б. Шакиров – асистент**

**Андижон машинасозлик институти**

### Аннотация

Мақолада насос агрегатларининг сони турлича бўлган ҳолларда ишлашида насос станциянинг аванкамерасига ва сув қабул қилиш бўлинмаларига оқим шароитлари кўриб чиқилган. Сув олиш иншоотининг андоза қурилмасида босим исрофи ва гидравлик қаршилик коэффициентларини лаборатория тадқиқотларида олинган натижалари ва уларнинг мақбул ишлаш шароитларини аниқлаш масалалари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** насос агрегати, насос станцияси, чўкинди, уюрма, сўриш қувури, маҳаллий қаршиликлар, босим исрофи, қаршилик коэффициенти, аванкамера, сув қабул қилиш бўлинмаси, оқим, тезлик, кинетик энергия.

## ГИДРАВЛИЧЕСКИЕ СОПРОТИВЛЕНИЯ АВАНКАМЕРЫ И ВОДОПРИЁМНЫХ КАМЕР

**М. Мамажонов, Б.М. Шакиров, Б.Б. Шакиров**

### Аннотация

В статье рассмотрены вопросы течения потока в аванкамере и условия его входа в водоприёмные камеры при различных числовых сочетаниях работы насосных агрегатов. Приводятся результаты лабораторных исследований на модели водоприёмного сооружения насосной станции по определению потерь напора и гидравлических коэффициентов сопротивлений и их оптимальные условия работы.

**Ключевые слова:** насосный агрегат, насосная станция, наносы, воронка, всасывающий трубопровод, местные сопротивления, потери напора, коэффициент сопротивлений, аванкамера, водоприёмная камера, поток, скорость, кинетическая энергия.

## HYDRAULIC RESISTANCES OF ANTECHAMBER AND WATER RECEIVING CHAMBERS

**M. Mamajonov, B.M. Shakirov, B.B. Shakirov**

### Abstract

In this article it is considered discusses current flow forebays and the conditions for its entry into the water inlet chamber at different numerical combinations of pumping units. The results of laboratory tests on model water inlet pumping station installations to determine the pressure loss coefficients and hydraulic resistances and optimum operating conditions.

**Key words:** the pump set, the pump station, sediment, funnel, suction pipe, local resistance, pressure loss, resistance coefficient forebays, water inlet chamber, flow, speed, piezometer, the kinetic energy of the channel.



**Кириш.** Насос станцияларидан фойдаланиш амалийёти шуни кўрсатадики, сугориш суви таркибидаги майда кум ва лойқа заррачаларни сув олиш иншоотларидан чўкиб қолиши оқибатида насосларнинг сув сўриш қобилияти камайди.

Насосларнинг сув қабул қилиш бўлинмалари ва аванкамерасида лойқа чўкиши ҳисобига гидравлик қаршиликларни ортиши ва насос агрегатларининг ҳаво сўриши оқибатида сув узатишни камайиши ва электр энергия сарфи ҳамда тебраниш ҳисобига насосларнинг таъмирлаш ва иншоотларни лойқадан тозалаш учун ортиқча сарфланадиган маблағ сувнинг таннархи бир неча баробар ортишига сабаб бўлади.

Насос станцияни аванкамераси сув келтириш каналини сув қабул қилиш бўлинмалари  $B_{\phi p}$  билан боғлаб туради ва сув олиш фронти  $B_{\phi p}$  бўйича оқимни тақсимлашга хизмат қилади.

Аванкамерани ўлчамлари  $B_{\phi p}/B_k$  ва аванкамера узунлиги  $L_{ab}$  сув олиш бўлинмаларини озиқлантириш шартла-

рини аниқловчи ўлчамлар ҳисобланади.

**Асосий қисм.** Сув қабул қилиш бўлинмаси энини аванкамерани гидравлик иш тартибига таъсирини билиш учун сув олиш иншоотини 1 ва 2-вариантларида лаборатория қурилмасида экспериментал тадқиқотлар олиб борилди. Бу варианtlarda аванкамералар конструктив жиҳатдан бир хил тузилишда тайёрланди: марказий кенгайиш конусининг бурчаги  $\alpha = 35^\circ$ , тубининг нишаблиги  $i = 0,2$ , сўриш қувурининг кириш қисми конуснинг сув сатҳига ботирилиш чукурлиги  $h_2$  бир хил ва у бўлинманинг орқа деворига горизонтал ҳолда ўрнатилган.

Аванкамералар сув қабул қилиш бўлинмаси энини ўлчами билан фарқ қиласди, яъни 1-вариантда  $\sigma_{\phi p} = 2D_{kup}$  ва 2-вариант  $\sigma_{\phi p} = 1,2D_{kup}$  га teng. Шунинг учун биринчи ҳолда сув олиш фронти узунлиги  $B_{\phi p} = 91$  см, иккинчисида  $B_{\phi p} = 61$  см ва мос равишда аванкамера узунлиги  $L_{ab} = 81$  см ва  $L_{ab} = 33$  см. га teng.

Биринчи ва иккинчи вариантидаги аванкамераларда сув қабул қилиш бўлинмаларининг ишлаш шароитлари

турлича бўлади. Ўртадаги насосларнинг бўлинмалари чеккадагига нисбатан бирмунча яхши ҳолатда бўлади, яъни ўртадаги бўлинмага оқим тўғри киради, чекка бўлинмага бурчак остида киради. Ўрта бўлинмаларга бироз бурчак остида оқимнинг келиши уларнинг иш жараёнига сезиларли таъсир ўтказмайди. Сув олиш фронти  $B_{fp}$  ортиши билан чеккадаги бўлинмага оқимнинг келиш бурчаги хам ортиб боради.

Биринчи варианнда чекка бўлинмадаги ҳосил бўлувчи уюрма вертикаль ўқ бўйича айланаб, сув қабул қилиш бўлинмаси жонли кесим юзасининг 40% қисмини эгаллайди, унинг узунлиги эса бўлинма узунлигини  $\frac{1}{3}$  қисмини ташкил этди. Иккинчи варианнданга аванкамера конструкциясида уюрмани ўлчами анча кичик, яъни бўлинма кесим юзасининг 15% майдонини, бўлинма узунлигининг эса  $\frac{1}{4}$  қисмини эгаллайди.

Босим исрофларини аниқлаш 1 ва 2-вариантларда сув қабул қилиш бўлинмасининг кириш қисмидаги олиб борилди. 1-ўлчов кесими сув келтириш каналининг охирига жойлаштирилди. Бу кесимдаги оқимни тарқалиш тезлиги тенг тақсимланган ва босимни тақсимланиши гидростатик қонуниятга бўйсунади. 2-ўлчов кесими сув қабул қилиш бўлинмасини бошланғич нутқасидан 10 см ичкарига жойлаштирилади.

Тенглаштириш текислигини сув қабул қилиш бўлинмалари тубида қабул қилиб, белгиланган ўлчов кесимларни учун Бернулли тенгламасини ёзамиш:

$$Z + \frac{P_k}{\gamma} + \frac{\alpha_k V_k^2}{2g} = P_\delta + \frac{\alpha_\delta V_\delta^2}{2g} + \Sigma h_w \quad (1)$$

бу ерда:  $P_k$  ва  $P_\delta$  – каналдаги ва бўлинмадаги босимлар;  $V_k$  ва  $V_\delta$  – ўлчов кесимлардаги оқимнинг ўртача тезликлари;  $\alpha_k$  ва  $\alpha_\delta$  – ўлчов кесимлардаги кинетик энергия коэффициентлари;  $\Sigma h_w$  – кесимлар орасидаги босим исрофлари.

Пъезометрлар бўйича босимлар фарқи:

$$\Delta Z = Z + \frac{P_k - P_\delta}{\gamma} \quad (2)$$

Демак, кесимлар ўртасидаги босим исрофлари:

$$\Sigma h_w = \Delta Z + \frac{\alpha_k V_k^2 - \alpha_\delta V_\delta^2}{2g} \quad (3)$$

5 та насосларни сув узатишлари  $Q_1=19 \text{ л/с}$  ва  $Q_2=24 \text{ л/с}$  ва ҳар бир насосни сув узатиши  $Q_3=4,5 \text{ л/с}$  ва  $Q_4=5,6 \text{ л/с}$  га (бўлинмадаги) тенг бўлган ҳол учун 1 ва 2-кесимлардаги ўртача тезликлар аниқланади. Насосларнинг сув узатиш миқдорлари босимли кувурдан чиқиш жойига ўрнатилган учбурчакли сув шовва девори ёрдамида аниқланади.

Хисобларда кинетик энергия коэффициентлари  $\alpha_k$  ва  $\alpha_\delta$  қийматлари Н.Н.Накладов томонидан олинган маълумотлар асосида қабул қилинди, яъни насос станциянинг ҳар қандай иш тартибларида 1-кесимда  $\alpha_k=1,05-1,06$  га тенг бўлади [1]. 2-кесимда қуйидаги ҳолат кузатилади: биргалиқда ислаётган насослар сони ортиши билан 1-вариантдаги аванкамера конструкцияси учун коэффициент  $\alpha_\delta=1,18-1,39$  ва 2-вариантдаги аванкамера учун  $\alpha_\delta=1,06-1,15$  чегаралардаги қийматларга эга бўлади. Буни насос станциянинг турли иш тартибларида каналнинг ҳисобий чукурлиги турлича қабул қилиниши билан тушунтиришумкин.

Босим ўлчаш 1-кесимда 3 та тешикча ва 2-кесимда ҳар бир бўлинмада 3 та тешикчалар орқали амалга оширилди. Тешикчалар ўлчами 1 мм бўлиб, 1 таси тубига ва 2 таси ён деворларга жойлашган. Штуцерларга уланган резина шланглар ёрдамида сув пъезометрларга узатилади.

Насос станция моделининг турли иш тартибларида аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларидаги босим исрофлари ва қаршилик коэффициентларини аниқладик.

Ҳар бир насосни сув узатиши  $4,5 \text{ л/с}$  дан  $5,6 \text{ л/с}$  гача ўзгартирилди. Мос равиша станцияни сув узатиши қийидагича бўлди: 5 та насос ислағанда  $Q_{n,c}=22,5-28 \text{ л/с}$ ; 4 та насос ислағанда  $Q_{n,c}=18-22,4 \text{ л/с}$ ; 3 та насос ислағанда  $Q_{n,c}=13,5-16,8 \text{ л/с}$ ; 2 та насос ислағанда  $Q_{n,c}=9-11,2 \text{ л/с}$ ; 1 та насос ислағанда  $Q_{n,c}=4,5-5,6 \text{ л/с}$ ;

Насосларнинг бундай сув узатиши чегараларида Рейнольдс сони  $Re$  сув келтириш канали кесимида  $10^4$  дан  $3 \cdot 10^4$  гача ўзгаради. Ушбу оқимни автомодел области чегарасида олиб борилган тажрибаларда қаршилик коэффициенти ўзгармас ва  $Re$  га боғлиқ бўлмайди.

Ҳар бир қаршилик коэффициентини ҳисоблашда ўртача квадрат хатолик қуйидаги формула билан аниқланади [2]:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (\xi_{yp} - \xi_i)^2}{n-1}} \quad (4)$$

бу ерда:  $\xi_{yp}$  – қаршилик коэффициентининг ўртача арифметик қиймати;  $\xi_i$  – ҳар бир тажрибада аниқланган қаршилик коэффициенти қиймати.

Қаршилик коэффициентининг ўртача арифметик қийматини ўртача квадрат хатолиги қуйидаги формула билан топилади:

$$\sigma_m = \frac{\sigma}{\sqrt{n}} \quad (5)$$

бу ерда  $n$  – ўлчашлар сони.

Аниқланган  $\sigma_m$  қиймати бўйича ўртача квадрат хатоликнинг нисбий қиймати аниқланади:

$$\sigma_m^1 = \frac{\sigma_m}{S_{yp}} \cdot 100\% \quad (6)$$

Ўртача квадрат хатоликнинг нисбий қиймати  $\sigma_m^1$  тажрибаларимизда 5,1-8,2 фоизни ташкил этди.

Бешта насослар ислағанда, аванкамера ва бўлинмалар қаршилик коэффициентларини ўз ичига олувчи йигинди умумий коэффициент чекка бўлинма учун  $\Sigma \xi_{ym,y}$  = 1,01 ва ўртадаги учун  $\Sigma \xi_{ym,yp}$  = 0,062 га тенг, уларнинг нисбати 16,3 га тенг бўлади, умумий қаршилик коэффициенти эса  $\Sigma \xi_{ym}$  = 0,536 ни ташкил этди. Ушбу 1-вариант бўйича (1+2) насослар ислағанда, чеккадаги бўлинма учун  $\Sigma \xi_{ym,y}$  = 0,94, ўртадаги учун  $\Sigma \xi_{ym,yp}$  = 0,24, уларнинг нисбати 3,92 ва умумий қиймати  $\Sigma \xi_{ym}$  = 0,59 га тенг бўлди.

Битта чеккадаги насос ислаған ҳолда  $\Sigma \xi_{ym,y}$  = 0,97 ва битта ўртадаги насос ислағанда  $\Sigma \xi_{ym,yp}$  = 0,49 ни ташкил этади. 2-вариантда 5 та насослар ислаған ҳолда чеккадаги учун  $\Sigma \xi_{ym,y}$  = 0,7, ўртадаги бўлинма учун  $\Sigma \xi_{ym,yp}$  = 0,158 уларнинг нисбати 4,44 ва умумий қиймати  $\Sigma \xi_{ym}$  = 0,429 га тенг бўлди.

1-вариант билан солиштирилса, 2-вариантда  $\Sigma \xi_{ym,y}$  камаяди,  $\Sigma \xi_{ym,yp}$  ортади, умумий қаршилик коэффициенти  $\Sigma \xi_{ym}$  эса 0,107 га, яъни 20 фоизга камаяди. Бундан ташқари ўрта ва чеккадаги бўлинмаларни қаршилик коэффициентларини фарқи анча камайди.

Иккита 2 (1+2) насослар ислағанда,  $\Sigma \xi_{ym,y}$  = 0,701 ва  $\Sigma \xi_{ym,yp}$  = 0,39, уларнинг нисбати 1,8 ва  $\Sigma \xi_{ym}$  = 0,545 га тенг бўлади. 1-вариант билан солиштирилса  $\Sigma \xi_{ym,y}$ , камаяди ва  $\Sigma \xi_{ym,yp}$  қиймати ортади ҳамда умумий қаршилик коэффициенти 0,045 га, яъни 7,6 фоизга камаяди. Бундан ташқари ўрта ва чеккадаги бўлинмалар қаршиликлари фарқи камаяди.

Иккинчи вариантда битта чеккадаги насос ислағанда умумий қаршилик коэффициенти 0,85 га тенг бўлиб, 1-вариантдагига нисбатан 0,12 га, яъни 12,3 фоизга кам бўлди. Битта ўртароқдаги 2 агрегат ислаған ҳолда эса умумий қаршилик коэффициенти 0,6 га тенг бўлиб, бу 1-вариантдагига нисбатан 0,11 га ортикроқдир.


Демак, станциянинг барча иш тартибларида сув қабул қилиш бўлинмаларини эни камайган ҳолда аванкамера ва бўлинмаларнинг гидравлик қаршиликлари қийматлари

камайиши кузатилади.

Гидравлик қаршиликларни формулалар билан ҳисоблаб топилған қыйматлари аванкамера ва бўлинмалардаги тажрибадан олинган натижалари билан таққослаш имкониятини беради.

Биринчи вариандаги аванкамера учун умумий гидравлик қаршиликлар йигиндинин ҳисобий қыймати  $\Sigma \xi_{\text{ум}} = 0,514$  га тенг бўлиб, тажриба қыймати 0,536 дан 4,1% фарқ қилади; 2-вариант учун ҳисобий қыймати  $\Sigma \xi_{\text{ум}} = 0,404$  ва тажриба қыймати 0,429 дан 5,83% фарқ қилади (1-расм).

Сув қабул қилиш бўлинмаларига сувни кириши насос станциянинг барча иш тартибларида тўғри киришдан фарқ қилади. Насосларни биргалиқдаги иш жараёнида чеккадаги бўлинмаларга оқимни қийшик кириши ўрта бўлинмага нисбатан ортиқроқ бўлади, бу эса чекка бўлинмалarda босим исрофларини ортишига сабаб бўлади. 2-расмда эса 1 чеккадаги насос ишлаган ҳолатда ҳар иккала вариандаги бўлинмага киривчи оқим йўналиш-




1 ва 2 – биринчи ва иккинчи вариантлар бўйича чеккадаги бўлинма учун. 3 ва 4 – биринчи ва иккинчи вариантлар бўйича ўртадаги бўлинма учун.

1-расм. Бешта насос ишлаганда сув қабул қилиши бўлинмаларига оқимни кириш йўналишини ўзгариши

ларини чукурлик бўйича ўзгариш графиги келтирилган. Оқимнинг йўналишини аниқлашда бўлинмани эни бўйича ўртасига жойлаштирилган вертикаль ўққа боғланган 10 см. ли ипплардан фойдаланилди.

Юқоридаги расмлардан кўриниб турибдики, биринчидан, бўлинмага кираётган оқимнинг барча қисми бир хил йўналишга эга бўлмайди, чукурлик қатлами бўйича ўртадаги оқим озроқ бурилади. Иккинчидан, биргалиқда ишлагётган насослар сони камайтирилса, оқимнинг бўлинмага келиш шароити яхшиланади. Биринчи вариант бўйича 5 та насос ишлаганда, ўрта қатламдаги оқимнинг чеккадаги бўлинмага кириш бурчаги  $\Theta=56^{\circ}$  ни ташкил этади, битта 1 насос ишлаганда эса  $\Theta=30^{\circ}$  гача камаяди. 2-вариант бўйича 5 та насос ишлаганда чеккадаги бўлинмага киришда



1-вариант бўйича; 2-иккинчи вариант бўйича.

2-расм. Битта 1(1) насос ишлаганда сув қабул қилиши бўлинмасига оқимни кириш йўналишини ўзгариши

$\Theta=28^{\circ}$ , 1 насос ишлаганда эса  $\Theta=13-15^{\circ}$  га тенг. Учинчидан 2-вариант бўйича оқимни бўлинмага кириш шарти яхшиланиши сабабли гидравлик қаршиликлари камаяди ва чеккадаги насоснинг сув узатиши 1-вариантга нисбатан 8-8,5% ортади.

Оқимнинг бурилишидаги чекка бўлинмаларни ўрта бўлинмалар билан солиширилганда анча миқдорда кўпроқ бўлади. Оқимнинг бурилишидаги қаршилик коэффициенти 5 та насос ишлаган ҳолда, 1-вариант бўйича чекка бўлинма учун 0,421, ўрта бўлинма учун 0,028, ўртача қыймати 0,225 га тенг, яъни  $\Sigma \xi_{\text{ум}}$  дан 43,8 фоизни ташкил этади; 2-вариант бўйича гидравлик қаршилик коэффициенти чекка бўлинма учун 0,147, ўрта бўлинма учун 0,033 ва ўртача қыймати 0,09 га тенг, яъни  $\Sigma \xi_{\text{ум}}$  га нисбатан 22,3 фоизни ташкил этади. Шундай қилиб, оқимнинг бўлинмаларга киришдаги босим исрофлари 1-вариантда умумий исрофларининг анчагина қисмини, яъни 44 фоизни, 2-вариантда эса 22 фоизни ташкил этади.

Бўлинманинг эни  $2D_{\text{кир}}$  дан  $1,2D_{\text{кир}}$  гача қисқартирилганда босим исрофлари иккى баробар камаяди.

#### Хулоса:

1. Оқимнинг аванкамерада оқиб ўтиши ва сув қабул қилиш бўлинмаларига кириш шароитлари турличалиги сабабли ҳамма насослар бараварига ишлаганда чекка ва ўртадаги бўлинмаларни гидравлик қаршиликларида катта фарқ бўлиши кузатилади;

2. Ишлагётган агрегатлар сони камайтирилса, юқорида айтилган қаршиликлар фарқи камаяди;

3. Сув қабул қилиши бўлинмани эни  $\theta_{\text{бул.}} = 2D_{\text{кир}}$  дан  $\theta_{\text{бул.}} = 1,2D_{\text{кир}}$  га тенг қийматгача қисқартирилганда, чеккадаги бўлинманинг гидравлик қаршилиги 1,5 мартаға камаяди, бу эса ўрта ва чеккадаги бўлинмаларни иш шароитини бир-бирига яқинлаштиради;

4. Бўлинмани эни  $B_{\text{бул.}}$  қисқартирилса, аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларнинг йигинди қаршилик коэффициенти камаяди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Накладов Н.Н. Камерный водозабор мелиоративных насосных станций на каналах. Автореф. дис. ... канд. техн. наук. – М.: МГМИ. 1972. - 24 с.
- Гутер Р.С., Овчинский В.Б. Элементы численного анализа и математической обработки результатов опыта. - М.: Изв. «Наука», 1970. - 158 с.